

Тиббиётга оид термометрларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси ҳамда рақобат муҳити тўғрисида МАЪЛУМОТ

Рақобат қўмитаси томонидан ТИФ ТН кодлари 9025192000 ва 902511201 остидаги **тиббиётга оид термометрлар** товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2023 йил учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

I. Термометрларнинг импорт ва экспорт ҳолати.

2023 йилда **191 та** корхона томонидан **33 та** давлатдан қиймати **3,1 млн АҚШ доллари**га тенг бўлган **1,7 млн дона** термометрлар **импорт** қилинган. Импорт қилинган маҳсулотларнинг **78 фоизи** – **Хитой**, **16 фоизи** – **Жанубий Корея**, **4 фоизи** – **Германия**, **6 фоизи** эса бошқа **31 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда **энг йирик 5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **85 фоизи** тўғри келган. Шунингдек, импорт асосида олиб келинган термометрлар маҳсулотини **ўртача нархи 1 донаси** учун **1,8 долларга** тўғри келган.

2023 йилда **5 та** корхона томонидан **5 та** мамлакатга қиймати **25 минг АҚШ доллари**га тенг бўлган **8,2 минг дона** термометрлар **экспорт** қилинган. Экспорт қилинган маҳсулотларнинг асосий қисми Қозоғистон ҳиссасига тўғри келиб, ўртача нархи **1 донаси** учун **3 долларни** ташкил этган.

II. Ички бозордаги рақобат ҳолати.

Таҳлиллар доирасида термометрлар ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННІ (Херфиндал-Хиршман индекси)** орқали баҳоланди.

Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, 2023 йилда фақатгина **1 та** хўжалик юритувчи субъект томонидан термометрлар ишлаб чиқарилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННІ** ҳисобланганда, индекс натижаси **10 000 пунктга** тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида **рақобат муҳити ривожланмаганлиги** аниқланди.

Маълумот учун: ННІ (Херфиндал-Ҳиришман индекси) бозордаги рақобат муҳитини баҳолаш ва концентрация даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Унга кўра, ННІ кўрсаткич 0 дан 1500 пунктгача бўлганда рақобат муҳити ривожланган, 1500 дан 2500 пунктгача бўлганда рақобат муҳити етарлича ривожланмаган, 2500 дан 10 000 пунктгача бўлганда бозор юқори даражада монополлашган ҳисобланади.

III. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси.

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2023 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН коди 9025192000 ва 902511201 остидаги термометрларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

Маълумот учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.

2023 йил давомида мамлакатимизда қиймати 7,4 млрд сўмлик **2 минг дона** термометрлар ишлаб чиқарилган.

Мазкур маълумотлар асосида термометрларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлик даражаси 2023 йилда **0,1 фоиз**ни ташкил этганлиги аниқланди.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуш ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.

IV. Хулоса.

ТИФ ТН коди 9025192000 ва 902511201 остидаги термометрлар бозорининг тўйинганлик даражаси фақатгина **0,1 фоиз**ни ташкил этиши ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича **янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**